

ЎЗБЕКISTON

OVOZI

ЎЖИМОИЙ-
СИЙОСИЙ
ГАЗЕТА

• 2006-йил • 6-апрел • Payshanba • 41 (27.533) • www.uzbekistonovozluz • 1918-йил 21-йундан чиқа бoшлаган

Муносабат

ОИЛА САЛОМАТЛИГИ — СОҒЛОМ ТУРМУШ КАФОЛАТИ


Мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов пойтахтимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободончилик ишлари билан танишиш жараёнида Тошкент шаҳрининг Самарқанд дарвоза маҳалласида бунёд этилган 14-оилавий поликлиника фаолиятини ҳам кўздан кечирди

Миллат саломатлиги кўп жиҳатдан ўша мамлакатда тиббиёт соҳасига кўрсатилаётган эътиборга, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзи, юксак тиббий маданиятни шакллантиришга боғлиқ. Шу жиҳатдан олиб қараганда, юртимизда мустақиллик йилларида биргина оилага тиббий ёрдам кўрсатишни ташкил этиш бўйича олиб борилаётган кенг қўламли ишлар бугун ўзининг самарасини бера бошлади. Президентимизнинг 1998 йилда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури тўғрисида»ги Фармонига биноан бу борада аниқ чора-тадбирлар белгиланиб, изчил тартибда амалга оширила бошланди.

Жумладан, Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатиб келган ҳудудий поликлиникалар катталар, болалар ва туғиш ёшидаги аёлларга мўлжалланган бўлса, соғлиқни сақлаш давлат дастуридан сўнг аҳолининг барча қатламларига бирдек сифатли тиббий хизмат кўрсатиш учун оилавий шифокорлар фаолияти йўлга қўйилди. Авваллари ҳудудий поликлиникаларнинг бирида рентген аппарати бўлса, иккинчисида ультратовуш ташхиси, яна бирида лаборатория текширувлари ўтказилар, бу эса аҳолига нуқулалик туғдирарди. Мисол учун, бир бемор бир неча поликлиникага муружаат қилишга мажбур эди. Бу тиббиёт масканларида эса ҳозиргидек шифокорлар навбатчилиги ва аҳолига узлуксиз тиббий хизмат кўрсатиш йўлга қўйилмаганди.

Соғлиқни сақлаш тизимидаги ислохотлар ўлароқ тиббий муассасалар фаолияти ҳам шаклан, ҳам мазмунан ўзгарди. Эндиликда оилавий поликлиникалар ҳудудда яшовчи барча тоифадаги аҳолига интенсив тарзда бирлашган тиббий хизмат кўрсата бошладилар.

Президентимиз кўни кеча мажмур шифо масканига таш-



риф буюриб, унинг фаолияти билан яқиндан танишар экан, оила шифокори зиммасидаги масъулият ҳақида алоҳида тўхтади, оилада тиббий маданиятни ошириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш борасида қимматли фикр ва мулоҳазалар билдирди.

— Поликлиникамиз ҳудудимиздаги 4 та маҳалланинг 25 минг нафар аҳолига тиббий хизмат кўрсатади. 34 нафар малакали шифокор ва 68 нафар ҳамшираларимиз кечаюқундуз уларнинг соғлиқдан хабардор бўлиб турадилар, — дейди **оилавий поликлиника бош шифокори Дилфуза Ибрагимова**. — Бу ерда оила шифокори учун зарур бўлган барча шарт-шароитлар яратилган. Болалар, катталар ва ҳомилдор аёллар кўриги намунали ташкил этилган. Аҳолининг талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб, яқини ташхис қўйиш учун тор мутахассисликдаги шифокорлар фаолияти ҳам сақлаб қолинди. Шифохонамиз аҳолини

диспансёр кўригидан ўтказиш мақсадида энг замонавий ускуналар билан таъминланди.

Дарҳақиқат, бу ерда Россиядан келтирилган замонавий рентген аппарати, болалар, катталар ва аёлларга мўлжалланган муолажа хоналари, УЗД, ЭКГ текширувлари ташкил этилган. Барча тиббий жараёнлар махсус компьютер тизими орқали шифокорлар томонидан кузатиб борилади. Бундан ташқари, шифохонада Тошкент педиатрия-тиббиёт институти билан ҳамкорликда умумий амалиёт шифокорлари ўқуви бўйича машғулотлар ташкил этилган. Шунингдек, ноанъанавий тиббий хизмат ва Шарқ табибати усуллари асосида рефлекс даволаш бўлими фаолияти йўлга қўйилди.

— Шу ўринда бир нарсани таъкидлаб ўтмоқчиман, — деб сўзида давом этади бош шифокор. — Шифохонамиз оилавий поликлиника бўлганлиги учун тиббиёт ходимларимизнинг асосий қисми оила шифокорларидир. Мана, кеча



Президентимиз ҳам алоҳида айтиб ўтдилар, ҳар битта оила шифокори оилага кириб, саломатлик борасидаги муаммоларини ечишга, оилада профилактика ишларини олиб боришга, турли хасталикларнинг олдини олиш бўйича қилинадиган бутун чора-тадбирларни, эмлаш ишларини вақтида ўтказишга жуда катта эътибор бериши керак. Кейин яна айтдиларки, биз оила шифокорлари аҳолининг энг эътибор талаб қатлами — чақалоқлар ва қарияларга гамхўрликни яна ҳам кучайтиришимиз лозим. Чунки, ўсиб келаётган соғлом авлод бизнинг келажгимиз, нуруний қарияларимиз эса эъзозга сазовор инсонлардир.

— Поликлиникамизда стоматология хизмати узлуксиз тарзда ташкил этилган, — дейди **стоматология бўлими мудири Баҳром Нормухоматов**. — Барча қўлайликларга эга мана бу «Гнатус» аппарати Брази-

лида ишлаб чиқарилган бўлиб, ҳомийларимиз томонидан шифохонамизга тақдим этилди.

Бир сўз билан айтганда, истиқлолимизнинг ўн бешинчи йилида иш бошлаган мажмур замонавий шифо маскани халқимизнинг Ҳомийлар ва шифокорлар йилидан кўзланган эзгу мақсадлари ижобати сифатида юртдошларимизга тақдим этилди. Бундай ёруғ ва шинам масканлар эса Президентимизнинг соғлом ҳамда баркамол авлодни камол топтиришдек юксак орзуси ушалиши йўлида хизмат қилаверади.

Матназар ЭЛМУРОДОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири

◆◆◆
Суратларда: шифокорлардан бир гуруҳи; шифохона биноси; яратилган шароитлардан лавҳалар.

Шавкат АКРАМОВ
олган суратлар

ҚОНУН МУҲОКАМАСИГА БАҒИШЛАНДИ

Кейинги вақтда мамлакатимизда демократик ўзгаришларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш масаласига жиддий эътибор қаратиб келинмоқда. Президентимизнинг иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 9-сессиясидаги нутқида ушбу масаланинг бешинчи устувор йўналиши сифатида жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини кескин кучайтириш кераклиги таъкидланди.

Тўғри, республикадаги нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятининг тегишли қонунчилик базаси яратилган. Ҳозирги кунда республикада 3000 дан ортиқ жамоат бирлашмалари фаолият кўрсатаётир. Бирок, 1991 йилда қабул қилинган «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги қонун ҳозирги

қон талабларини тўлиқ ифода этолмайди. Масалан, 1999 йилда қабул қилинган «Нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисида»ги қонунга мувофиқ ва Фуқаролик кодексига асосан ҳозир жамоат бирлашмалари нодавлат нотижорат ташкилотларнинг бир шаклига айланиб қолган. Амалдаги қонунларда давлат томонидан нодавлат нотижорат ташкилотларни қўллаб-қувватлаш назарда тутилмаган. Шу сабабли бугунги кунда «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги қонуннинг янги лойиҳаси Қонунчилик палатасида муҳокама қилинмоқда.

Яқинда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар кенгаши ва Бектемир туман кенгаши ҳамкорлигида «Демократик, ҳуқуқий ва фуқаролик жамиятини қуришда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ўрни ва роли»

мавзусида ўтказилган тадбир ҳам жамоат бирлашмаларининг жамиятдаги ўрни ва аҳамиятига бағишланди. Унда ушбу қонун лойиҳаси ҳақида фикр юритилиб, унинг қабул қилиниши мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантириш учун муҳим аҳамиятга эга эканлиги алоҳида кайд этилди.

Давра суҳбатида Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, Республика нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, «Нуроний» жамғармаси Бектемир туман бўлими ҳамда туман ижтимоий таъминот бўлими вакиллари иштирок этди.

Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Ҳамидулла Назаров иштирокчиларнинг турли саволларига жавоб қайтарди.

Маъмуржон ҚИЁМОВ

ЎзХДП:

ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

Ургач туман кенгаши туман ички ишлар бўлими шахсий таркиби билан «Ўзбекистонда демократик жамият барпо этишда сиёсий партияларнинг роли, икки палатали парламент» мавзусида «маърифат соати»ни ўтказди. Туман партия кенгаши раиси Х.Васицанов демократик жамиятни барпо этишда сиёсий партияларнинг роли, икки палатали парламентни шакллантириш ҳамда Ўзбекистон ХДП фаолияти, дастурий мақсадлари ҳақида гапириб берди. Ички ишлар ходимларини қизиқтирган саволларга жавоблар қайтарилди.

ЎзХДПдан халқ депутатлари **Когон шаҳар** Кенгашига сайланган, «Тадбиркорбанк» туман бўлими раҳбари Б.Саноев хайрли ишни амалга оширди. Туман партия кенгаши ташаббуси билан, унинг ҳомийлигида банкнинг янги биноси очирилиши маросимида ижтимоий химояга муҳтож бўлган оилалар фарзандларидан 10 нафарининг суннат тўйи ҳам ўтказилди. Тадбирда болаларнинг ҳар бирига 10 минг сўмдан пул қўйилган омонат дафтарица топширилди.

Ғузур туман кенгаши ва туман хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан «Маънавияти юксак эл — ғурури баланд миллатдир» мавзусида маданий-маърифий тадбир ўтказилди. Унда сўзга чиққан туман партия кенгаши раиси Р.Холманова

мамлакатимизда хотин-қизлар фаоллигини ошириш борасидаги ишлар ҳамда ЎзХДП Дастурида хотин-қизларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган мақсадлар ҳақида гапирди. Тадбирда турли саҳна кўринишлари, лапарлар ва рақслар қатнашчиларда илиқ таассурот қолдирди.

Шовот туманидаги 1-мактаб виллоятнинг энг кекса илм даргоҳларидан ҳисобланади. Унинг ташкил этилганлигининг 80 йиллигига бағишланган тадбирда ХДП Хоразм виллоят кенгаши раиси Р.Сабуров сўзга чиқиб, партиянинг дастурий мақсадларида таълим тизими масаласи, бу тизимда самарали ислохотлар олиб борилишида партиянинг иштироки ҳақида тўхталиб ўтди. 5 нафар фаол ўқувчи партия кенгаши таъсис этган стипендияни топширди.

Нурота туман кенгаши ва «Камолот» ЁИҲ туман бўлими ҳамкорлигида «Нурота 60 йиллиги» номи маҳаллада «Кутубхона — зиё маскани» мавзусида китобхонлик кечаси ўтказилди.

Учкўприк туман кенгаши Саломатлик маркази, туман хотин-қизлар қўмитаси ва қатор маҳаллалар билан биргаликда «Аёл соғлиғи — миллат саломатлиги» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Ўзбекистон ХДП МК
матбуот хизмати

Спорт

БАРЧА ЙЎЛЛАР ШАҲРИСАБЗГА ЭЛТАДИ

Уч йилдирки, юртимизда анъанавий умуммамлакат оммавий марафони ўтказиб келинмоқда. Қўлғу сана ва умумхалқ байрамларига бағишлаб ташкил этилаётган ушбу тадбир мамлакатимиз аҳолисининг кенг қатламини қамраб олаётганлиги билан аҳамиятлидир.

— Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан йўлга қўйилган умуммамлакат оммавий марафони, айниқса, ёшларда миллий ғурурни ўстириш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва уларни спортга бўлган қизиқишларини оширишда қўл келмоқда, — дейди Ўзбекистон маданият ва спорт ишлари вазирининг ўринбосари Маҳмуд Аҳмадов. — Ёдингида бўлса, илк тадбирларимиз иштирокчилари Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда виллоятлардан баҳсларга қўшилиб, марафон Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида яқунланганди.

Наврўз байрами ва Соҳибқирон Амир Темуր таваллудининг 670 йиллигига бағишлаб уюштирилаётган бу галги умумхалқ оммавий марафони аввалгилари-



Муҳаммад АМИН (ЎЗА) олган сурат

дан фарқли ўлароқ, улғу бобомиз дунёга келган кўча ва навиқрон Шаҳрисабзда пойнига етди. Бундан кўриниб турибдики, марафон нафақат соғлом турмуш тарзи ва спорт оммавийлигини тарғиб қилмоқда, балки иштирокчиларга аждодларимиз тарихи билан яқиндан танишиш, муқаддас қадамжоларни зиёрат қилиш имконини ҳам бермоқда.

— Оммавий марафон илк мартаба бундан ўн йил муқаддам Соҳибқирон Амир Темуր таваллудининг 660 йиллигига бағишлаб ўтказилган эди, — дейди умуммамлакат оммавий марафони бош ҳақами Ашур Нормуродов. — Дастлаб бир йўналишда уюштирилган марафон Шаҳрисабздан старт олиб, Тошкент шаҳрида яқунланганди. Қўвонар-

лиси, йилдан йилга оммавийлашиб бораётган спортнинг бу тури бутун юртимизни қамраб олди. Унда мамлакатимизнинг қиллоқ, туман ва шаҳарларидан минглаб йилгит-қизлар иштирок этишмоқда. Бу йилги марафонга ҳам жойларда пухта ҳозирлик қўрилди. Ўз тарихига ўн икки (8 нафар йилгит ва 4 нафар қиз) марафончини жамлаган ҳар бир жамоа белгиланган йўналиш бўйича 920 километрлик масофани босиб ўтиши лозим. Марафон давомида қатнашчилар юртимизнинг 87 та туман ва шаҳарларидан югуриб ўтишади. Марафон Соҳибқирон бобомиз таваллуд тоғлан 9 апрель кўни Шаҳрисабздаги Оксарой майдонида яқунланади.

Эркин ХОЛБЕВО



ДЎСТ

Дейсанки, ёлғизлик айлади одош,
Билмам, қайқларга олиб кетсам бош.
Дўстинг камлигидан нолима иним,
Битта бўлса ҳам У қўйди, қўй!

Абдулла ОРИПОВ
2006 йил, 5 апрель



ЯНГИ МЕҲМОНХОНА

Буюк ипак йўлида жойлашган. Шарқ дурдонаси — Бухоро яна бир меъморий мажмуаси билан хорижликлар эътиборини тортди бўлди. Бу ерда қадимий обидалар билан уйғунлашиб кетган қирқинчи хусусий меҳмонхона — «Осиё»

Бухоро» қуриб битказилди. 96 ўринли бу ажойиб кошонани «Марко Поло» компанияси биуртмасига кўра, «2-Виллоят жамоақурилиш» уюшмаси бинокорлари бунёд этдилар. Эътиборли томони шундаки, бионинг ташқи кўрини-

ши ўша қадимий аср меъморий ечимини ўзида акс эттирган. Ички томони эса замонавий меъморчилик қиёфасига эга бўлса-да, миллийлик унсурларини ўзида мужассам қилган. Фойе, йўлақлар, ресторани деворлари ва шифтларида шиша

қопламали атлас мато тортилган. Бухоронинг машҳур обидалари суратлари қадимий шаҳар жозибаси ва руҳини меҳмонларга англайтиб туради.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири

МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИ

Сирдарё виллоятда аҳолини иш билан таъминлаш, айниқса ёшларни касбга йўналтириш борасида қатор ишлар амалга ошириляптир.

Сардоба туманида ўтказилган меҳнат ярмаркаси ҳам бунга мисол бўла олади.

Туман меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўлими, туман прокуратураси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган ярмаркада 23 ташкилот ва муассаса бўш иш ўринлари билан иштирок этди. Шу кўни тўқсонга яқин талабгор иш билан таъминланди.

Дилором ЭСОНОВА, ЎЗА мухбири

O'zbekiston havo yo'llari

TOSHKENT
XALQARO
AEROPORTI

Хизматлар лицензияланган

O'ZSANOATQURILISHBANK

KO'PLARNI TANISHADI — MUNOSIBLARNI TANLASHADI!

Tel: 120-45-01, 120-46-82, факс: 133-32-40
www.uzpsb.com e-mail: info@uzpsb.com

Хизматлар лицензияланган

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI

MULKDORGA HANKORI

Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshbmv.uz E-mail: info@tshbmv.uz va Birja@mail.tps.uz

Хизматлар лицензияланган

Миллий ҳамда чет эл валютасида барча банк хизматлари Сизнинг муваффақиятиниз учун!

«ПАХТА БАНК» — ФАРОВОНЛИГИНИЗ КАЛИТИДИР

Хизматлар лицензияланган

Қишлоқда ислоҳот



ФЕРМЕРЛАРГА ҚУЛАЙЛИК



Хазорасп нефтбаза унитар корхонаси жойларда 18 та фермерларга ёқилги қўйиш шохобчалари ташкил қилди...

— Шохобчалар хизматидан мамнунмиз, — дейди «Оскар Бону Буёв» фермер ҳўжалиги раиси Отаҳон Бобоёв...



Суратларда: оператор Собиржон Оллоберганов билан унитар корхона бош муҳандиси Умарбек Бобоёнов; шохобчанинг кўриниши; тракторчи Неймат Хўжаев шохобча хизматидан фойдаланмоқда.

Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

Агар тарихга назар солсак, аждодларимиз қанчадан-қанча рабату мадраса, мактабу кўриклар хайр-эхсон, мурувват уйлари барпо этиб, улар орқали эл-улус учун беқис имкониятлар яратган, гариб ва муҳтожларнинг оғирини енгил қилганларининг гувоҳи бўламиз...

Мақсуд йилнинг «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб аталishi хомийликнинг роли ва аҳамиятини кучайтириш, хомийлик фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, ушбу жараёнда аҳоли кенг қатламлари, барча мулкчилик шаклидаги ташкилот ва корхоналарнинг иштирокини кенгайтириш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш, уларнинг аҳолининг ночор қатламларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш борасидаги ҳиссасини оширади.

Президентимизнинг «Ҳомийлар ва шифокорлар йили дастури тўғрисида»ги қарориде белгиланганидек, мазкур ҳаракат фақатгина соғлиқни сақлаш муассасалари ёки тиббиёт ходимларига тегишли эмас. Балки халқ ҳўжалигининг барча тармоқлари, давлат ва нодавлат ташкилотлари ҳам тааллуқлидир.

орасида янада кенг ёйилишига олиб келди. Масалан, дастурга биноан биргина 2005 йилда жами 1099 та мактабда қурилиш ва таъмирлаш, яна юзлаб мактабларда кенг миқёсда бунёдкорлик ишлари бажарилди. Булар энди давлат маблағлари ҳисобига эмас, балки саховатпеша, ўзини эл ишига фидо қилган ҳиммати баланд юртдошларимиз, давлат ва нодавлат ташкилотларининг мурувватлари эвазига амалга оширилди. Уларнинг мактаб қурилиши ва уни жиҳозлашга қўшаётган ҳиссаларини кўздан кечирсак, чинакамига мактаб тақдирини миллат тақдирига айланганига гувоҳ бўламиз.

мактаб биноси капитал реконструкция қилинди ҳамда 13 та мактаб капитал таъмирланди. Сурхондарё вилоятида ҳам 524 ўқувчи мўлжалланган 2 та янги мактаб қурилди.

Аслида бу рақамлар замирида юксак инсонийлик, миллатимизга хос тантлиқ мавжуд. Шу ўринда аниқ рақамларга мурожаат этсак. Қорақалпоғистон Республикасида тўлиқ ҳомийлар томонидан 10477 ўқувчи ўрнига эга 17 та мактабга 257,2 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилган.

Муҳими, бундай рақамларни республикамизнинг бошқа ҳудудларидан ҳам қўлаб келтириш мумкин. Масалан, Анди-

яни мебель ва лаборатория анжомлари билан жиҳозланган ўқув мактабларини кўздан кечирарканми, чинакамига шундай юртда яшаётганлигиндан, ёнги-янда эл ишига қайишадиган ватандошларинг борлигидан юрагинг гурурга тўлади.

«Бу ишларга бош-қош бўлган, хомийларнинг бошини бириктириб, умурни олган ундаган инсон — туманимиз ҳокими Пирмат Ўсаров бўлади, дейди туман аҳли. Ҳоким эса биз билан бўлган суҳбатда шундай дейди: — Мен фарзандларимиз таълим-тарбия оладиган мактабларга ўз ҳиссани кўйишни кўндан орти қилардим. Мамлакатимизда Президентимиз томонидан

ни кенгайтириш ишлари назарда тутилган. Ушбу мақсадлар учун ҳозирга қадар 120 млн. сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Спорт комплекси тўлиқ ишга туширилган, у нафақат мактаб ўқувчиларига, балки бутун шаҳар ёшлари учун ҳам спорт билан шуғулланишларида асосий масканга айланади.

Энди Сурхондарё вилоятида амалга оширилган ишларга тўхталадиган бўлсак, бу ерда ҳам катта ўзгаришлар рўй берганининг гувоҳи бўламиз. Вилоятдаги хомийлик ишларининг кўламини кенг. Кимдир мактабни таъмирлаган бўлса, кимдир ўқув қуроллари, компьютер воситалари тақдим этган, яна кимдир

савоб иш қилсам дейман. Шу пулга кишлоғимиз болалари учун мактаб қўриб берасан. Бундан фарзандларимиз билимли, маънавиятли инсон бўлиб етишса, кейин кишлоқдагиларнинг дуосини олсам. Шунинг ўзи мен учун катта бахт эмасми», — деб ўз маблағи ҳисобидан кишлоқ ёшлари учун мўъжаз мактаб қўриб беради.

Қўнда Халқ таълими вазирлиги вакиллари Аргамчи кишлоғида бўлиб, Шаҳармоқнинг 90 ёшлик юбилейида иштирок этди ва унга халқ таълими вазирининг миннатдорчилик мактуби ҳамда «Халқ таълими хомийси» кўкрак нишонини топширдилар.

Дарҳақиқат, юртимизда фарзандлар тақдирини учун қайғурган бундай инсонлар кўп. Масалан, 2005 йилда Бухоро вилоятида хомийлар томонидан 12 та объектида 203,5 млн., Қашқадарё вилоятида 320 млн., Навоий вилоятида 22 та мактабда 278,1 млн. сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилди. Тошкент вилоятида бу кўрсаткич юқори бўлиб, 15081 ўқувчи ўрнига мўлжалланган 18 та мактабни қурилиш-таъмирлаш ва жиҳозлаш учун хомийлар томонидан 6 миллиард 128,0 миллион сўм сарфланган.

Ушбу далиллардан ҳам кўрини турибдики, мурувватли кишлоғимиз мактаб масаласига бефарқ эмас. Бу йилда улар ҳаловати, мол-дунёсидан кечиб, таълимни ривожлантиришга, миллат келажаги йўлида фидойидан бўлиб қўришга тайёр. Бу ишлар бундан буён ҳам изчил давом эттирилади, чунки унинг ҳуқуқий асоси яратилмоқда. 2006 йилнинг Президентимиз томонидан «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб номланishi ҳиммати баланд хомийларимизнинг аҳоли ўқувчилари учун доимий пул мўқофотлари жорий қилинган. Бу олижаноб ҳаракатлар ўқувчиларини рағбатлантиришга, билим сирларини пухта эгаллашларига ўндайди.

Яна бир мисол. Узун тумани Аргамчи кишлоғида яшовчи 90 ёшли А.Шаҳармоқ Холӣёровага фарзанди — «Мамарайим бобо» фермер ҳўжалиги раиси ҳажа олиб бориб келишини тақлим этганида, онахон: «Худого шукр, шунча умр кўрдим, шундай кунларга етказди. Энди ўғлим, бир

Ҳасан ҚУРАТУЛЛАЕВ, Халқ таълими вазирлиги Матбуот маркази раҳбари

МАКТАБ ТАҚДИРИ — МИЛЛАТ ТАҚДИРИ

Яни ўтган йилда Давлат дастурига киритилган мактабларга маҳаллий ҳокимликлар, фермер ва ширкат ҳўжаликлари, хомий ташкилотлар ҳамда саховатли одамларимиз томонидан қўшимча 3,3 млрд. сўмлик хомийлик ёрдами кўрсатилди.

Шунингдек, ўтган вақт мобайнида дастурга кирмаган жами 83987 ўқувчи ўрнига эга 127 та мактабда қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди. Бунинг учун хомийлар томонидан қарийб 9 млрд. 800 млн. сўм маблағ сарфланди. Жумладан, 4594 ўқувчи ўрнига мўлжалланган 14 та янги мактаб қурилди, 3446 ўқувчи ўрнига эга 6 та мактаб ҳамда 1 та боғча капитал реконструкция қилинди ва 18997 ўринли 21 та объект капитал ҳамда 56950 ўқувчи ўрнига эга 85 та мактаб жорий таъмирланди.

Ушбу ҳаракат бу йил ҳам республика миқёсида давом эттирилиб, шу кунгача биргина Самарқанд вилоятида хомийлар ҳисобидан 3490 ўқувчи ўрнига мўлжалланган 10 та янги мактаб биноси қуриб фойдаланишга топширилди. Тошкент вилоятида эса 420 ўрнига эга 1 та янги мактаб бунёд этилди, 4 та

жан шайридаги 10-мактабни капитал таъмирлаш учун «ЎЗДЭУ-авто» корхонасидан 400 миллион сўм ажратилди. Ёки «Андижондонмаҳсулотлари» А.Ж. «Марказий бозор» ҳиссасдорлик жамияти ҳамда А.Тиллабоев номли ширкат ҳўжалигининг 150 миллион сўмга яқин маблағига Андижон шаҳридаги 24 ва Избоскан туманидаги 23-мактаблар капитал таъмирланди ва спорт майдончаси қурилди.

Юртдошларимизнинг хомийлик фаолиятини таҳлил қиладиган бўлсак, биргина Каттакўрғон туманида бу борада улкан қадам ташланганига гувоҳ бўламиз. Кўпчиликнинг гурури билан «бизнинг юртдошларимиз ўз маблағидан мактаб қурдилар» деган гаплари шу туманга янада хос. Чунки улар ҳақиқатан фахрланишга ҳақли — ўтган йилнинг ўзида хомийлар томонидан туманда 6 та мактаб қуриб, фойдаланишга топширилган. Мактаб қуришни муқаддас билан бундай мурувватли фермер ва тадбиркорлар билан ҳар қанча ифтихор этса ҳам, Шинам, озода, ҳар томонлама замонавий талабларга мос, айримлари мўъжазига бўлса-да,

мактаб таълимни ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури қабул қилингандан сўнг бошим осмонга етди. Ниятмига едим деб ўйладим. Рости гап, шундан сўнг тинчим йўқолди. Албатта, бу йил туманимиздаги ҳиммати баланд, маърифатпарвар хомийларимизнинг хизмати катта бўлди. Натихада бир йилда бир йўла олти та мактабни туман халқ таълими бўлими иктиёрига топширдик.

Тумандаги мактаб қурилишига оид хомийларнинг беқис ишларидан мамнун бўлиб Каттакўрғон шаҳрига кириб келар эканми, йўл бўйидаги 17-ўрта мактабга кириб ўтдик. Мактаб давлат дастури асосида капитал таъмирланиб, спорт зали қурилишига 90 млн. сўм сарфланган. Бундан ташқари, ушбу мактаб ва спорт комплексини кенгайтириш ҳамда керакли анжуман билан жиҳозлашда хомийларнинг хизмати катта бўлмоқда. Бокс мажмуғи 12 миллион сўмлик профессионал ринг ўрнатилган. Асосийси, мактабдаги бу сай-ҳаракатлар бугун ҳам изчил давом эттирилмоқда. Мактаб атрофи ободонлаштирилиб, спорт комплекси-

ўқувчиларни моддий рағбатлантириш мақсадида стипендиялар ташкил қилган.

Жумладан, Денов туманидаги Хазорбоғ ширкат ҳўжалиги томонидан 48-мактаб таъмири учун 10 млн. сўм, 36-мактабни ободонлаштириш учун Собир Раҳимов номли ширкат ҳўжалигининг 8 млн. сўм, 37-мактаб учун Исом Тураев номли ширкат ҳўжалигининг 5 млн. сўм маблағ ажратилган. Баҳриддин фермер ҳўжалиги томонидан 81-мактабга бир миллион сўмлик компьютер техникалари тақдим этилган бўлса, Нозим Мирзаев номли масъуляти чекланган жамияти тумандаги 75, 76, 77, 79, 84-мактабларнинг аҳоли ўқувчилари учун доимий пул мўқофотлари жорий қилинган. Бу олижаноб ҳаракатлар ўқувчиларини рағбатлантиришга, билим сирларини пухта эгаллашларига ўндайди.

Яна бир мисол. Узун тумани Аргамчи кишлоғида яшовчи 90 ёшли А.Шаҳармоқ Холӣёровага фарзанди — «Мамарайим бобо» фермер ҳўжалиги раиси ҳажа олиб бориб келишини тақлим этганида, онахон: «Худого шукр, шунча умр кўрдим, шундай кунларга етказди. Энди ўғлим, бир

Самарқанд вилоят прокуратураси диққатига!

1994 йил 8 февраль куни Вазирлар Маҳкамасининг «Санот-теракчиликни ривожлантириш ва бошқа тез ўсувчи ёғоч-боп дарахтзорларни барпо этишга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори чиқди.

Халқ ҳўжалиги ва аҳолининг ёғоч-тахталарга бўлган аҳтиёжларини тўлароқ қондириш ва республиканинг табиий-иктисодий имкониятларидан фойдаланиш мақсадида қарорга терак кўчатлари экишининг 2003 йилгача бўлган режаси иловча қилинди. Республика-миз иктисодиёти ҳамда санот-терак учун ёғочбоп дарахтлар барпо этиш муҳимлиги инобатга олиниб, жойлардаги ҳокимликларга аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориш, уларни муҳим бу тадбирга жалб қилиш масаласи вазифа қилиб тайинланди.

Каттакўрғон тумани, Чигатай кишлоғида яшовчи Рустам Ёрқуловлар оиласи ушбу ишдан четда турмади. Улар Фарғона вилоятида жами 4000 туп терак олиб келиб, «Галаба» ширкатининг бир-биридан бир неча километр узоқликдаги жами 2 гектар ер майдонига экишти. 2003 йилга келиб, тераклар бўй-бастини кўрсатди. Лекин шу вақтга келиб теракларга эга қўлайди.

Бир қанча тераклар кесилганлигини маълум қилиб, ширкат раҳбари туман ҳокими М.Абдуллаев орқали вилоят табиати муҳофаза қилиш қўмитасига хат билан чиқди. Вилоят табиати муҳофаза қилиш қўмитаси ходимлари 41 донга тераклар кесилгани ҳақида далолатнома тузиб, 27 май 2003 йил Р.Ёрқуловга нисбатан Каттакўрғон туманларарақ фуқаролик ишлари бўйича судга даъво аризаси билан чиқди. Суд раиси Б.Хидиров ишни 2 кунда қўриб, 29 май куни кесилган 41 та теракнинг баҳоси — 176865 сўмни Р.Ёрқуловдан табиати муҳо-

фаза қилиш қўмитаси фойдаланиши ҳақида ҳал қилув қарори чиқарди.

Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тўғрисидаги Низомнинг 12-моддаси 24-бандига асосан давлат қўмитаси ва унинг жойлардаги ташкилотлари табиати ифлослантирилганлик ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланмаганлик натижасида унга етказилган зиёни қоплаш тўғрисида юридик ва жисмоний шахсларга нисбатан даъво қўзғатиши мумкин. Қўзғаткич, Р.Ёрқулов ҳаракатларида бунақа аломатлар йўқ эди. Қолаверса, улар ёғоч маҳсулотлари етиштириш мақсадида ҳўжалик ерига терак экан ва бунга қўмитанинг ҳеч бир алоқаси йўқ эди. Ушбу тераклар хусусий мулк шаклида бўлиб, қўмитанинг қўриқлаш объектига кирмайди. Қолаверса, далолатнома тузилган пайтда теракни ким кесганиги аниқланмаган экан. Шу боис ушбу қарор кейинчалик бекор қилинди.

Энг қизиғи, воқеадан 3 ой илгари, яъни 20 февраль куни ширкат раҳбарининг ўзи ҳокимликка терак кесилга рўхсат беришини сўраб хат билан чиққан, ҳоким М.Абдуллаевнинг 24 майдаги хатига асосан бир кун илгари — 28 май куни қўмита раиси Т.Худойназаров томонидан 2387 та терак кесилга рўхсат берилган эди. Шу асосда теракка болта тушиб кетди.

Ҳўжалик раҳбарлари томонидан 2342 та терак кесилиб, талон-тороқ қилинганига ҳақида Р.Ёрқулов норози бўлиб турли ташкилотларга шикоят ёзди. Шикоят ариза юзасидан текширув ўтказилиб, вилоят прокуратураси томонидан Жиноят кодекси 167-моддаси 2-қисми «в» банди билан жиноят иши қўзғатилди. Прокуратура томонидан жами 290 та кесилган теракнинг 145 минг сўмлик қамомати мавжуд деб топилди, ширкат гидротехниги Иброҳим Нормуродов иши судга оши-

рилди. Судья С.Турсунов жабрланувчи деб топилган томон — ҳўжалик билан жавобгар — гидротехнигани яраштирди, яраштирув ажрими чиқарилди. Аслида, терак қўчатларини Фарғонадан олиб келиб, экиб парваришлаган Ёрқуловлар эса судга ҳақдорликмасдан қолди.

Яна бир қизиқ факт: фуқаро кесган 41 теракнинг баҳоси 176 минг сўм бўлган бўлса, ширкат кесган 290 теракнинг жами нархи 145 минг сўм белгиланди. Бу сўмга вилоят проку-

қўявер» дейишди. Мен қўл қўйиб бердим».

Ҳисоб-китоб ҳужжатларида эҳтиёт қисмлар учун И.Қундузоновнинг терак олганлиги ёзилган. Имомиддинхон Қундузоновнинг айтиши буйича, у киши ҳеч қандай терак олмаган. «Галаба»да бошқа Қундузоновлар йўқ.

Яна бир эътиборли томони, давлат божи учун ҳўжалик 200 та терак топширган экан. Маълум бўлишича, пудратчи Ш.Рашидовга натура шакли-

сида ширкат раиси, туман ҳокими ўринбосарлари ҳамда қўмита раисини жавобгар этиш тўғрисидаги Каттакўрғон фуқаролик ишлари бўйича судига берилган даъво аризаси эса роса 2 йилдан буён чўзилиб, ҳозиргача 6 марта бошланғич ва 3 марта раёсат босқичлари ҳамда назорат тартибиде қўрилди. Ҳатто судья А.Шерқозиев томонидан қасaccia шикоятини рўйхатта олиш 5 ойга чўзилди.

Жавобгар — ширкат ваки-

ШИРКАТ ТУГАТИЛДИ —

Фуқаро кесган 41 та теракнинг баҳоси — 176 минг, ширкат раиси томонидан кесилган 290 та терак эса 145 минг сўм...

ратураси ҳам эътироз билдирмаган. Фуқаро кесган бир донга терак нархи ширкат раиси, ҳоким ва табиати муҳофаза қилиш қўмитаси рўхсати билан кесилган 7 донга теракдан қўра қимматроқ турар экан-да...

СУД БОЖИГА 200 ДОНА ТЕРАК...

«Мен 1992 йилдан бери ширкатдаги 8-бригадада бригадир бўлиб ишлаб келганман, — дейди Жунайдулла Абдуллаев. — 2004 йил бошида туман прокурори ёрдамчиси Эрлан ва терговчи Аслиддин деган йигитлар олдиға чақириб, 80 донга теракни олганлигим ҳақида қўл қўйишни талаб қилди. Кейин бугултр Нейматулла Муродов 80 донга терак олганим ҳақидаги буйруқ билан «қўл қўй», деди. Мен у кишига ва раис Ш.Вафоевага «олмаган теракимни қандай олдим дейман. Эртаға бўйинмандан қандай қилиб чиқарман» дедим. Улар «ишинг бўлмасин, ўзимиз тўғрилаймиз, қўл

да берилиши керак бўлган 15.077 кг. бугдой ширкат раҳбарлари томонидан берилиши икки йил давомида пайдаланиб келинган. Вилоят адлия бокшармаси киритган даъво бўйича суд қарори билан пудратчи 1.507.700 сўм зарар ва 100 минг сўм маънавий зарар ундирилиши белгиланади. Ана шу фуқаролик судига давлат божи учун тўланиши лозим бўлган 301 минг сўм суд ижрочилари томонидан тераклар ҳисобидан ундирилди. Лекин суд қарори билан Р.Ёрқуловга ҳўжалиқдан ундирилishi кўрсатилган 300 донга терак ҳам мана 6 ой вақт ўтса ҳамки берилган эмас.

МУЛК ЭГАСИ КИМ?

Биз юқорида Самарқанд вилоят табиати муҳофаза қилиш қўмитасининг фуқаро устидан берган даъво аризаси судья томонидан икки кун ичида қўрилиб, ҳал қилинганини айтдик. Олдий фуқаро Р.Ёрқуловнинг терак масала-

ЎзХДП ҳаёти

МЕН НЕГА ХДПНИ ТАНЛАДИМ?

Ўттиз йилдан бери ўқитувчилик қиламан. Тўғриси, муқаддам биринчи бўлиб кишлоқда аҳоли бўлиш ҳақида ўйлаб кўрмаган эканман. 2004 йилдаги сайловлар арафасида кишлоқ партиялардан бирининг тумандаги вакиллари келишиб, мендан ўз сафларига қўшилишимни сўрашди. Иккиланаётганимни кўришгач, келажақдаги режалари ҳақида гапириб беришди. Бу гапларга ишониб, ноябрь ойида ўша партия аъзоллигига ўтдим. Утишга ўтдим, аммо...

Сайловлар тугагандан сўнг партиянинг туманимиз кенгашида жимжитлик, сокинлик бошланди. Ҳатто, аъзоллик ҳужжатини ҳам беришмади. Гуё улар мени эсларидан чиқаришди, бору йўғимни унутиб қўйишди. Салом ҳам йўқ, алик ҳам. Шу аснода адашганимни пайқаб қолдим.

Орадан бир йилга яқин вақт ўтди. Бу даврда биз таълим соҳасида катта-кичик ўнлаб тадбирлар ўтказдик. Уларда мен аъзо бўлган партия фаоллари эмас, ХДП туман ва шаҳар кенгашлари фаоллари иштирок этишди. Ҳатто, байрамларда ҳам шу партиядан сайланган туман ҳамда вилоят Кенгашлари депутатлари бизни тарбиялаб туришди. Айрим ҳолларда ҳар томонлама кўмак беришган пайтлари ҳам бўлди. Беихтиёр ўйлаб қолдим: ҳар доим биз билан бирга, ёнма-ён, қувонч ва ташвишларимизга шерик бўлаётган ХДПга ўтсам-чи? Шундай хаёллар билан ЎзХДП шаҳар кенгаши раиси Бибисора Нарзуллаеванинг ҳузурига бордим. У киши гапларимни эшитиб, қўлимга ХДП Дастурини тутқазди ва «Яқинлаб танишиб чиқиб, маъқул бўлса ариза берарсиз» деди.

Уйга келиб, Дастурни ўқиб чиқдим. Унда белгиланган партиянинг мақсад ҳамда вазифалари менга маъқул бўлди. Аиниқса, Дастурдаги «Партия юксак маънавиятнинг шакллантиришга қаратилган ишларда ёш авлодни тарбиялаётган ўқитувчилар, миллат соғлигини муҳофаза қилаётган шифокорлар ҳамда маънавият эгаллари бўладиган ёшларни ўзининг асосий таянчи, деб ҳисоблайди» деган жумаларни ўқигач, менинг ҳам ўрним ана шу партия сафиде эканлигини англаб етдим.

Эртасига ЎзХДП сафига қабул қилишларини сўраб ариза бердим. Шундай қилиб, ўтган йилнинг ноябрь ойида ўз хоҳиш-истагим билан Халқ демократик партияси аъзоллигига қабул қилиндим. Туманимизда мамлакатимиздаги барча сиёсий партияларнинг кенгашлари фаолият юритапти. Аммо, шаҳарда ўтадиган оммавий тадбирларнинг кўпчилиги бошида бошқа партияларнинг эмас, айнан ХДП аъзолари, шу партия фаоллари, ундан сайланган депутатлар туришадими,

буни инкор этиш қийин. Бир мисол. Наврўз байрами арафасида шаҳардаги умумтаълим мактабларининг аълочи ва жамоат ишларида фаол катнашадиган ўқувчиларини рағбатлантириш маросими бўлди. Унда ўн нафар ўқувчи ХДП стипендияси топширилди. Энди ҳар ойда аълочи ўқувчиларга шундай стипендиялар бериб бериладиган бўлдики, бунда ХДП туман ва шаҳар кенгашлари, ХДПдан сайланган туман ҳамда вилоят Кенгашлари депутатларининг хизматлари катта бўлаётди.

Бугун шаҳримизда ХДПнинг 10 та бошланғич ташкилоти фаолият кўрсатмоқда ва улар атрофида 240 нафар аъзо бирлашган. Партия аъзоларини қайта рўйхатдан ўтказиш бошланганга қадар уларнинг сони 197 нафар эди. Қисқа вақт ичида яна 70 нафар киши сафимизга қўшилди. Биргина бизнинг жамоамизда ХДПга 14 нафар янги аъзо қабул қилинди. Бошланғич ташкилотларнинг сони шаҳримизда 4 тага қўлайди.

Булар нимани кўрсатади? Жойларда фуқаролар ХДПга эргашмоқда. Унинг Дастурий ҳоқлари, мақсад ҳамда вазифалари қўпчилига маъқул бўлмоқда, одамлар ижтимоий муаммоларни ҳал этиш ХДПнинг қўлидан келишига ишонмоқда. Буларнинг барчаси ХДПнинг ҳақиқий сўл партияга айланаётганининг белгиси, деб ўйлайман.

Бу гапларим орқали мен ЎзХДПни қўлларга кўтариб, бошқа партияларни камситмоқчи эмасман. Бугун қайси сиёсий партия ҳаракатчан, ташаббускор ва ташкилотчи бўлса, халқ орасида ўша партиянинг обрўси, мавқеи юқори бўлиши табиий. Қайси, партиянинг лидерлари, фаоллари фидойи бўлса, ўша партиянинг таъсирчанлиги, оммавийлиги ошиши ҳам бор гап. Масъулий ишлар, қуруқ гаплар билан ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Одамлар партияларга уларнинг амали ишларига қараб баҳо беришяпти. Бундай амали ишлар эса, назаримда, ХДПга кўпроқ ва самаралироқ бўлаётди. Шунинг учун ҳам мен ва ҳамкасбларимнинг асосий кўпчилиги ЎзХДПни танладик ҳамда ўзимизнинг гоёвий қарашларимизни, эътиқодимизни шу партия билан боғлашга қарор қилдик.

Мавлуда НИКУРАДЗЕ, Сирдарё тумани Бахт шаҳарчасидаги 3-ўқувчилар ижодий маркази раҳбари, халқ таълими аълочиси.



ТАИЛАНД

Таиланд бош вазири Таксин Чинават истефого чиқабганини эълон қилиб, охириги ойларида мамлакатда юзага келган инқирозни бартараф этиш учун халқни бирлашишга чақирди.

Таксин бўлиб ўтган сайловда 57 фоиз овоз олганини маълум қилди. У мамлакатдаги инқирозга барҳам бериш учун навбатдан олдин сайлов ўтказишга қарор қилганди.

Сешанба кунин Таксин мамлакат қироли Бхумипол Адулядеж билан учрашди.

Шундан сўнг у мамлакат телевидениеси орқали чиқиш қилиб, янги бош вазир сайлангунча ўтиш ҳукумати раҳбари бўлиб қолишни билдирди. Сайловда унинг учун овоз берган 16 миллион таиландликдан узр сўраб, қиролга хурмати юксаклиги учунгина истефого чиқабганини таъкидлади.

— Мен Таиланд учун энг асосийси мамлакат яхлитлиги, деган фикрга келдим, — деди Таксин.

Кузатувчилар фикрига кўра, бу билан зиддиятлар тугамайди. Чунки, Таксин партияси янги парламентда ҳам асосий ўринларни сақлаб қолади. Бу эса янги бош вазир сайланишида муҳим омиллардан бўлади.



ФАЛАСТИН МУХТОРИЯТИ

Фаластин мухториятининг янги ташқи ишлар вазири Маҳмуд Захар БМТ бош котиби Кофи Аннан номига хат юборди. Унда айтилишича, ХАМАС радикал гуруҳи томонидан ташкил этилган янги ҳукумат «қўшни давлатлар билан озоқлик ва мустақилликка яшамокчи».

Фаластин ташқи ишлар вазири томонидан БМТ Бош котибига юборилган хат ХАМАС бошчилигидаги ҳукумат шаклланди деган буён икки томон ора-



сидаги биринчи алоқа бўлди.

Захар ўз хатида дунё ҳамжамияти билан алоқа ўрнатиш ва фаластинликлар бутунлай мустақил давлат қуриш ҳуқуқига эришиш ниятида эканлигини айтган.

Шу билан бирга вазир «Исроилнинг ноқонуний колониял сийбати»га алоҳида ургу берган. Унинг фикрича, бу сийбат икки мамлакат яхлитлиги ва тинчлиги борасида музокараларни хавф остига қўяди.

ФРАНЦИЯ

Франция полициясининг маълумотига кўра, мамлакатда бандлик бўйича янги қонун лойиҳасига қарши ўтаётган намоийшларда бир миллионга яқин одам қатнашди.

Оммавий намоийшлар Марсель, Бордо, Нантда бўлиб ўтди. Парижда ўн минглаб одамлар Бастилия майдонига тўланди. Эйфель минораси яна ёпиб қўйилган.

Францияда жамоат транспорти ҳаракати ва ҳаво алоқалари қisman издан чиққан.

Бироқ намоийшлар ташкилотчилари зиддиятларга сабаб бўлган қонун лойиҳаси бо-

расида ҳукумат билан музокаралар олиб боришга тайёрланаётган кўринади. Касаба уюшмалари етакчиси Брюно Жюльер ҳукумат тепасидаги «Миллий ҳаракат учун иттифоқ» партияси келишувга эришиш борасидаги таклифи қабул қилишни айтган. Президент Жак Ширак қонун қайта қўриб чиқиши айтган, касаба уюшмалари галаба уларнинг қўлида эканлигини билдирган.

Франция матбуоти келишув йўлларини топиш учун бош вазир Доминик де Вильпен эмас, ички ишлар вазири Николя Саркози кўпроқ шугулланаётгани ҳақида ёзмоқда. Уларнинг иккаласи ҳам 2007 йилда президентлик учун бўлиб ўтадиган сайловда ўз номзодини кўрсатиши кутилмоқда. Кузатувчилар Саркози де Вильпендан кўра самаралироқ ҳаракат қилишни айтишган. Чунки айнан ИИВ раҳбари вазиятни назорат остига олишга муваффақ бўлган.

Францияликлар бу сафарги намоийшлар охиригиса бўлиб, томонлар келишувга қўл қўйишда деган умидда.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари диққатига!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ БОШҚАРМАСИ

ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ОБЪЕКТНОМИ:

«Фаргона вилояти, Кува тумани, Толмозор қишлоғидаги ҳарбий шаҳарча ҳудудида «Алоқа узели билан биргаликда батальон штаби қурилиши» «калити билан»

Қурилиш муддати — 8 ой.

Манзил: Тошкент шаҳар, Университет кўчаси, 1-уй, телефон/факс: 169-01-03, 169-01-11.

Умумий қурилиш ишлари Давлат бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: ҳарбий қурилиш объектларида ишлаш учун махсус лицензияга эга бўлишлари, ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камидан 20% миқдоридан айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдир қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фаргона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин: Фаргона шаҳри, Қ.Раҳимов кўчаси, 2-а уй, телефон/факс: 224-18-71, 224-18-76.

Танлов ҳужжатлари бир тўпلامнинг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очилиш кунини ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда маълум қилинган кундан бошлаб ўттиз (30) кундан кейин, юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

Барча турдаги қурилиш ташкилотлари диққатига!

«ИССИҚЛИК МАНБАЙ» ОАЖ

«Жиззах шаҳридаги иссиқлик қувурларини (3,17 км) ялпи таъмирлаш ва химоялаш воситалари билан ўраш» объекти бўйича танлов савдолари ўтказилишини ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Қурилиш ишларини тугаллаш муддати — 2006 йил III чорак.

Буюртмачи манзили: Жиззах шаҳри, Х.Дўсталиев шох кўчаси, 3-уй.

Телефон: (8372) 224-48-58. Факс: (8372) 224-48-77.

Қурилиш ишларини молиялаштириш давлат бюджетидан маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида иштирок этадиган ташкилотлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак: танлов савдолари предмети-нинг 20 фоизи миқдоридан айланма маблағларига ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан қурилол-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларига эга, ўхшаш ишчиюштар-ни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Жиззах вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзилга мурожаат этиши мумкин:

Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 63-уй, 426-хона.

Тел/факс: 226-14-66.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 50 000 (эллик минг) сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчиси-га тақдим этишининг охириги муддати — оферталар очилиш кунини ва соатигача. Танлов савдолари эълон матбуотда чоп этилган кундан бошлаб 30 кундан кейин юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

Анжуман

ТАЛАБАЛАР БИЛИМИ СИНОВДАН ЎТДИ

Қуни кеча Ўзбекистон Миллий университети ҳуқуқшу-нослик факультетида УЗРФА И.Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти билан ҳамкорликда «Суд-ҳуқуқ ислохотлари жараёнида фуқаролик процессуал ҳуқуқнинг айрим масалалари» мавзусида илмий анжуман бўлиб ўтди.

Унда соҳанинг етук олимлари, суд-ҳуқуқ тизими мутахассислари иштирок этиб, бўлгуси ҳуқуқшунослар савол-ларига жавоб бердилар.

Зумрад МИРЗАМАТОВА

Иқтисодиёт ва ислоҳот

МУШТАРАК МАҚСАДЛАР ТАРАҚҚИЁТГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

«Когонё» ОАЖ мамлакатимиздаги қадимий корхоналардан бири.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, корхона янада тараққий этиб, замонавий асбоб-ускуналар, дастгоҳлар билан жиҳозланди. Франциянинг «Стека» фирмасидан келтирилган линия қисқа муддатларда ўрнатилди. Бу цехда 1 ва 5 литрли полиэтилен идишларга қиздирилган ҳамда тозаланган ёғ қуйилмоқда. Бу жараён автоматик равишда жүз очиб-юмгунча бажарилади. Шундан сўнг қақшон қизлар ёрликларни елимлайдилар.

«Когонё» ОАЖ мамлакатимиздаги қадимий корхоналардан бири.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, корхона янада тараққий этиб, замонавий асбоб-ускуналар, дастгоҳлар билан жиҳозланди. Франциянинг «Стека» фирмасидан келтирилган линия қисқа муддатларда ўрнатилди. Бу цехда 1 ва 5 литрли полиэтилен идишларга қиздирилган ҳамда тозаланган ёғ қуйилмоқда. Бу жараён автоматик равишда жүз очиб-юмгунча бажарилади. Шундан сўнг қақшон қизлар ёрликларни елимлайдилар.

«Когонё» ОАЖ мамлакатимиздаги қадимий корхоналардан бири.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, корхона янада тараққий этиб, замонавий асбоб-ускуналар, дастгоҳлар билан жиҳозланди. Франциянинг «Стека» фирмасидан келтирилган линия қисқа муддатларда ўрнатилди. Бу цехда 1 ва 5 литрли полиэтилен идишларга қиздирилган ҳамда тозаланган ёғ қуйилмоқда. Бу жараён автоматик равишда жүз очиб-юмгунча бажарилади. Шундан сўнг қақшон қизлар ёрликларни елимлайдилар.

Маълум бўлишича, 1996 йилда ҳўжалик билан Ш.Ёрқулова ўртасида қоронвулик учун шартнома тузилган ва унга 500 сўм маош тайинланган. Ишчи кўрган барча судьялар ушбу суммадан келиб чиқувчи иш ҳақи миқдорини белгилашда ҳозирги нарх-наво ёки энг кам иш ҳақини ҳисобга олмагани қизиқ. 10 йиллик иш ҳақи миқдори 197 минг бўлиши адолатлими? Ёки ийлаб ходимга ойлик маошини тўламаган раҳбарлар хатти-ҳаракатида суд нега баҳо бермади экан?

парвариш қилармиди? Ажабланирилиш, ширкатдаги терак жанжалдан хабари бор туман ҳокими табиати муҳозафа қилиш қўмитасига 2005 йил 13 февраль кунин хат билан чиқади ва қолган 1 гектар майдондаги тераклар ҳам кесилади...

ҚАРОРДА ЙЎҚ ЕР ЭГАЛАРИ

Туманда собиқ раҳбарлар даврида нафақат теракдор бўйича, балки бошқа қонунсизликларга ҳам йўл қўйилди, натижада муаммолар бугун ҳам давом этмоқда.

ларга ер ажратиш тўғрисида фақат 2001 йилнинг 16 март кунинг ҳокимлик қарори мавжуд бўлиб, ажабланирилиш, унинг иловасида Шерзод Ҳасановнинг ҳам, Тўйчи Жияновнинг ҳам исми-фамилияси йўқ...

КИРИМ ҚИЛИНМАГАН ИЖАРА ПУЛИ, ПУЛИ ТўЛАНМАГАН 28 ТОННА ПОМИДОР

«Ўғлим Шерали Бозоров 2003 йили ток экиш учун 1 гектар ерни ижарага олган эди. Уша йили 100 минг, 2004 йили 75 минг сўм ижа-

рика қўшма корхонасига топшириб келган. Адвокат Шерали Осуловнинг сўровномасига АТ «Пахтабанк» Пайшанба бўлими бошқарувчиси М.Бобоев 2004 йил 14 февраль кунин берган жавобга кўра «Галаба» ширкат ҳўжалигининг 2002-2003 йиллар мобайнида Каттакўрғон туман «Мева-сабзавот» Ўзбекистон — Америка қўшма корхонаси билан ҳеч қандай айланма ҳаракати бўлмаган. Бугунги кунда картотекада ширкатнинг тўлов талабномаси йўқ». «Галаба» ширкати маҳсулотни қаерга топширган экан?

рига қўшма корхонасига топшириб келган. Адвокат Шерали Осуловнинг сўровномасига АТ «Пахтабанк» Пайшанба бўлими бошқарувчиси М.Бобоев 2004 йил 14 февраль кунин берган жавобга кўра «Галаба» ширкат ҳўжалигининг 2002-2003 йиллар мобайнида Каттакўрғон туман «Мева-сабзавот» Ўзбекистон — Америка қўшма корхонаси билан ҳеч қандай айланма ҳаракати бўлмаган. Бугунги кунда картотекада ширкатнинг тўлов талабномаси йўқ». «Галаба» ширкати маҳсулотни қаерга топширган экан?

рига қўшма корхонасига топшириб келган. Адвокат Шерали Осуловнинг сўровномасига АТ «Пахтабанк» Пайшанба бўлими бошқарувчиси М.Бобоев 2004 йил 14 февраль кунин берган жавобга кўра «Галаба» ширкат ҳўжалигининг 2002-2003 йиллар мобайнида Каттакўрғон туман «Мева-сабзавот» Ўзбекистон — Америка қўшма корхонаси билан ҳеч қандай айланма ҳаракати бўлмаган. Бугунги кунда картотекада ширкатнинг тўлов талабномаси йўқ». «Галаба» ширкати маҳсулотни қаерга топширган экан?

ИЗЛАР БОСИЛДИМИ?

Суд давомида 4000 туп терак Ёрқуловлар томонидан олиб келинганлиги тўла ўз исботини топса-да, мулк эгаси ким эканлиги кассация инстанциясида ҳам очик қолди. Теракдорлар Ёрқуловларнинг пули ва меҳнати орқали барпо этилган бўлса, ҳўжалик техникаси ёки минерал ўғитидан фойдаланилмаган бўлса, теракзорга нисбатан уларда умумий мулк ҳуқуқи вужудга келмайдими?

Тўғри, Р.Ёрқулов билан ҳўжалик ўртасида шартнома бўлиши керак эди. Шунда масалани осонроқ еча бўларди, деб ўйлаймиз. Аммо, Р.Ёрқуловнинг гапига кўра, етказилган маҳсулотга тенг шериклик бўйича ҳўжалик билан унинг ўртасида оғзаки келишув бўлган. Лекин ўтган йиллар мобайнида ҳўжалик раҳбарлари бир неча бор алмашган ва шундай келишув бўлганлигини бугун ҳеч ким эътироф этмаяпти. Аслини олганда ҳўжалик билан қандайдир келишув бўлмаса, Ёрқуловлар ўзидан ўзи терак олиб келиб, уни ҳўжалик ерига экишармиди, қуруқ раҳмат учун шунча йил қўчатларни

«Галаба» ширкат ҳўжалиги раиси Ш.Вафоева ва ер тузувчи И.Нормуродовлар ноқонуний равишда уй-жой қуриш учун ер майдони ажратгани туфайли жиноят ишлари бўйича Каттакўрғон туман судининг 2004 йил 17 апрелдаги қарори билан маъмурий жавобгарликка тортилган эди. Жумладан, қуриб битказилмаган 9-мактабнинг ерлари талон-торож қилинганни Прокуратура томонидан аниқланган. Ширкат ҳўжалигининг 183-контурдаги фуқароларга уй-жой учун ажратилган ерлар эса, айтишларича, яқинда берилган. Хали ер текканлар иморат ҳам қўтаришгани йўқ. Саъдулла Ҳасановнинг айтиши бўйича, ўғли Шерзод номига бу ердан 2004 йили ер олган. Унинг атрофида, масалан, Тўйчи Жияновнинг ҳам ери бор. Каттакўрғон туман ҳокимлиги девонхона мудири Ш.Қодиров маълумотига кўра, 2002 йилдан буёғига «Галаба» ширкат ҳўжалигида фуқароларга уй-жой қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида ҳокимлик томонидан қарор чиқмаган. Фуқаро-

1994 йилда мамлакатда ёғочбоп экинлар экиш бўйича бошланган ишлар, бугунга келиб, Каттакўрғонда эътибордан четда қолаётганини кўпчиликка сир эмас. Бунга сабаблар кўп, албатта. Ахир ёғочбоп дарахт қўчатлари экишга аҳолини рағбатлантириш ўрнига, улар меҳнати эвазига яратган теракзорларга болта урилиб, «унга-бунга ишлади» деб ҳўжжат қилиб, тарқатиб юборилса, одамларда теракзор қилишга рағбат қандай пайдо бўлиши мумкин?

Кимлардир бўлар иш бўлди, ширкат ҳўжалиги тугатилиб, фермер ҳўжаликларига айланганди, ўтган гапларни қўзғашдан нима наф, деб ўйлаши мумкин. Афсуски, ундай эмас. Тугатилган ширкатдан унинг вояси ва фермерларга бир талай муаммолар қолди. Каллакланган теракзорлар қолди. Томорқалар масаласи. Тўланмаган помидор пули. Ярим миллиардлик қарз... Дарвоқе, кичик ҳўжаликни ярим миллиарддан ортик қарзга ботирган Ш.Вафоева бугун ҳўжалик мулкига ворис бўлган МТП га раис.

Ақбар ЖОНУЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

«Хозирча бизда тайёр маҳсулот сероб, — деди у. — Бугун-эрта истеъмолчилар уни олиб кетишлари керак. Эрта-лабдан қатна қозонда совунини аста-секин пиширямиз. Пешиндан кейин уни тайёр маҳсулот ҳолига келтирамеиз.

У киши корхонага ҳошамё ассосан Когон, Қоровулбозор, Вобкент, Гиждувон, Пешку, Қорақўл, Ойат туманларидан қабул қилинишини айтиб берди. Ўз навбатида акциядорлик жамияти ҳам худди ана шу туманлардан 24 та шохобча ташкил этиб, маҳсулотни олинган тузилган жадвал асосида дехқон фермерларга етказиб бераётган экан. Барча шохобчаларда сотувчилар учун ҳам,

харидорлар учун ҳам қўлай шарт яратиб берилади. Бунга Гиждувон туманидаги «Зарафшон» шохобчасида бўлганимизда гувоҳ бўлидик.

Бу ерда «Бобомурод» фермер ҳўжалиги раҳбари Жўра Бобомуродовни учратдик.

— Авваллари ўзимизга тегишли бўлган маҳсулотларни олиш азоб эди, — деди у. — Негаки, бир неча ўн километрлаб йўл босиб заводга борардик. Хафталаб навбат кутардик. Транспорт харажатларини айтмайсизми? Энди эса тамоман ўзгача. Шохобча ёнгинамизда жойлашган. Навбат деган нарсанинг ўзи йўқ. Ўтган йили 12,8 гектар майдонга чигит экиб, 35,5 тонна пахта ҳосили олдик. Энди бўлса биз шохобчадан 9000 кг. ёғ, 4800 кг. шрот, 4600 кг. шелухани ойма-ой олиб турибмиз. Қозонча 20 бош қорамол ва 50 бош қўй боқаямиз. Яқин келажақда чорвачиликни бундан-да кенгайтириш нияти-миз бор.

Вобкент туманидаги «Сарой» марказий шохобча хизматидан ҳам фермерлар мамун. Масалан, Гиждувон туманидаги «Файз», «Ҳазорбоғ», «Чармгар», «Мевазор», Вобкент туманидаги «Мирзо Бадалов», «Ўриной Мирзаева», «Ортиқбобо Сатто-ров», «Меҳробеҳ Махмуджон» фермер ҳўжаликлари раҳбарлари шохобчалар фаолияти ҳақида яхши фикрлар билдиришди.

Аслини олганда, «Когон ёғ» очик акциядорлик жамияти жамоаси ўтган йили баракали меҳнат қилди. Жумладан, 103 минг тоннадан зиёд чигит қабул қилиб олинди. 18244 тонна ўсимлик мойи ишлаб чиқарилиди. Шундан 16146 тоннаси тозаланган, 2482 тоннаси қадқоланган ёғдир. Бундан ташқари, 2238 тонна ҳўжалик совуни ҳам ишлаб чиқарилиди, бундан истеъмолчилар мамун бўлишаётир. Фермерларга 35294 тонна шелуха, 43187 тонна шрот етказиб берилди. 8 млрд. 884 млн. 423 минг сўмлик ялпи маҳсулот тайёрланди.

Корхона 2006 йилни ҳам муваффақиятли бошлади. Йилнинг дастлабки чораги учун

белгиланган режалар ортиги билан уудланди.

— ♦♦♦—

Вилоятдаги яна бир забардаст корхона «Бухоро экстракт ёғ» очик акциядорлик жамияти ишчи-хизматчилари — ҳам «Ўзгёмойтамаксинаот» уюшмаси тизимида илгорлар сафида бормоқда. Бухоро, Жондор, Ромитан, Шофиркон тумани далаларида етиштирилган пахтадан олинган чигитни қабул қилиб, уни қайта ишлайдиган жамият 2579 фермер ва 32 ширкат ҳўжалиги билан шартнома тузган. Қисқа муддатда ташкил этилган 15 та шохобча орқали пахта ёғи, шелуха ва шрот истеъмолчиларга ўз вақтида етказиб берилмоқда.

Ҳар бир шохобча орқали ширкат ва фермер ҳўжаликларига маҳсулот етказиб бериш бўйича жадваллар ишлаб чиқилди. «Пахтаसानо» ҳудудий акциядорлик бирлашмаси томонидан тақдим этилган чигит миқдоридан келиб чиқиб шохобчага бириктирилган ҳўжаликлар рўйхати тузилган. Уларга маҳсулот тарқатишда сунъий тўсиқ қўйиб, тақчилликни вужудга келтириб, одамлар норозилигига сабаб бўладиган ҳар қандай ҳолатнинг олдини олиш, айбдорларга нисбатан кескин қонуний чоралар қўриш бўйича мудирилар ва ходимларнинг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларини белгилувчи мансабдорлик йўриқномалари ишлаб чиқилди. Шохобчаларда эса қўлай шартлар яратилди. Айниқса, Бухоро туманидаги «Панжа», «Юрин поён», Жондор туманидаги «Ошхон», «Хумдонак», Ромитан туманидаги «Ромитан» шохобчалари таъмирланди. Теллефонлар ишлаб турибди. Қўл жойларда ҳисоб-китобларни аниқ олиб бориш учун компьютерлар ўрнатилган.

Бухоро туманидаги «Панжа» шохобчасига борганимизда юк машинасига ҳисобчи орталаётган экан. Истиқболимизга чиқиш келган ўрта ёшдаги киши: шу тумандаги «Азамат» фермер ҳўжалиги раҳбари Қурбон Шероф бўламан, дея ўзини таъинлади. Бундан бир неча йиллар аввал ширкат ҳўжалиги раиси бўлган экан. Энди эса фермер.

Кирқ гектар ери бўлиб, ўтган йили 105 тонна ҳосил етиштирган ва шартнома режасини ортиги билан уудланди. 31 млн. сўм фойда олинди. Бундан ташқари, 50 бош қорамол, 31 бош қўйи ҳам бор экан.

— Корхона томонидан ташкил этилган шохобча фаолиятдан мамнунми, — сўраймиз ундан.

— Албатта. Илгари заводнинг кунжара, шелуха омборлари атропоф одамлар билан гавжум бўларди. Юк машиналари-ю, трактор тиркамаларининг шовқини оламни бузарди. Устига у-устак, одамлар навбат таллашиб жанжаллашиб қолишарди. Корхона раҳбарлари, унинг ўринбосарлари, омбор мудирилари хузурида ҳам одам тир-даб бўларди. Энди эса хоҳ фермер бўлсин, хоҳ чорвадор оила вакили бўлсин маҳсулотни бемалол олаётир. Шу жумладан биз ҳам.

«Бухоро экстракт ёғ» очик акциядорлик жамияти ишчи-хизматчилари 2005 йил ҳосилини қайта ишлашга ўтган йилнинг ёздаёқ ҳозирлик қўриб қўйишганди. Бутун ёз бўйи цехлар қайта таъмирланди. Барча дастгоҳларнинг эҳтиёт қисмлари янгиланди. Асбоб-ускуналар шай ҳолга келтирилди.

Корхонада ўтган йили режадаги 12970 тонна ўрunga 13719 тонна тозаланган ёғ ишлаб чиқарилди. Акциядорларнинг даромади ҳам тобора ортиб бораётди. Чунки ўтган йили бу ерда ўртача ойлик маош қарийб 115 минг сўмни ташкил этди.

Даромадга яраша бурмад деганларидек жамият хайрия тадбирларига ҳам қатнашма маблағ сарфламоқда. Айниқса, 2006 йил — «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» муносабати билан қўлпал хайрия тадбирлари белгиланган.

Умуман олганда, бу икки корхона жорий йили муваффақиятли бошлади.

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ, Мирбахтиёр МИРҲАБИБОВ, «Ўзбекистон овози» мухбирлари

БУГУНДАН БОШЛАНАЁТГАН КЕЛАЖАК

Ёшларимизнинг маънавий ва интеллектуал салоҳиятини ошириш, уларни миллий урф-одат ва қадриятларимизга садоқат руҳида тарбиялаш мақсадида ўтказилаётган «Маҳалланинг намунали қизи» кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди. Унда ўзи яшайётган маҳалла ва туман тарихини яхши биладиган, пазандачилик, орасталлик, саломатлик ва бошқа бир қатор шартлар бўйича

пойтахт туманларида голиб бўлган 10 нафар қиз иштирок этди. Танловда Юнусобод тумани вакили Нафосат Сулаймонова голиб деб топилди.

Ёш қизларни ҳаётга тайёрлаш ҳамда уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қиладиган бундай тадбирларни тез-тез ўтказиш, ёшларнинг бўш вақтини мақсадли ишларга йўналтириш муҳим масаладир.

Бугунги қизлар бўлажак ёш авлод мураббийлари. Ушандай улуғ ишларга уларни тайёрлаб бориш керак. Ахир буюк келажакни ақлли, соғлом, ўз халқи ва Ватанига содиқ бўлган оилалар бағрида ўсган фарзандлар қурди.

Нозима РАҲИМОВА, ЎзДЖТУнинг халқаро журналистика факультети талабаси

Қарши шахрининг 2700 йиллигига

Қашқадарё воҳасининг бош шаҳри — Қарши Ўзбекистоннинг энг қадимий шаҳарларидан бири. У ўз тарихи давомида бир неча бор номини ўзгартирган. Унинг илк номи Нахшаб бўлган. Бу сўзнинг келиб чиқиши, маъноси унчалик аниқ эмас. Араблар истилоидан кейин шаҳар Насаф деб атала бошлаган. Тарихчиларнинг фикрига кўра, бу сўз Нахшаб номининг араб тили талаффузига мослаштирилган шаклидир. Аммо амалда иккала ном ҳам қўлланаверган. Турли асрларда иҳод қилган Нахшаб ва Насафийлар номи фикримизни тасдиқлайди.

Шаҳар тарихи ва унда яшаган алломалар ҳақида қўлаб асарлар ёзилганлиги қадимий манбалардан маълум. Абул Хорис Асад ибн Ҳамдавайҳ ал-Варасиний ан-Насафийнинг (928 йили вафот этган) «Китаб муҳаххат ахл Насаф ва Қашш» (Насаф ва Кеш аҳлининг ифтихорлари ҳақидаги китоб), Абу Саъд Абдураҳмон ибн Муҳаммад ал-Астрободий ал-Идрисийнинг (милодий 1015 йили вафот этган) «Тарихи Насаф», Абул Аббос ал-Мустафийрий Насафийнинг (961-1041) 2 жилдали муфассал «Насаф ва Кеш тарихи» номи асарлари ҳудди шу мавзуда бўлган. Афсуски, бу асарлар бизнинг давримизгача етиб келмаган.

Насаф шаҳри тарихида ва бу ердан етишиб чиққан алломалар меросини ўрганишда Абдулкарим ас-Самъонийнинг (1113-1167) «Ал-Ансоб» номи асари алоҳида ўрин тутаяди. Мазкур асар қисқартирилган ҳолда 2003 йили «Бухоро» нашриётида чоп этилди. Илгароқ, яъни 1993 йили олим Ш.Қамолитдинов ас-Самъоний ва унинг асари ҳақида йирик

тадқиқот ишини эълон қилган эди. Илм оламида бу китобга бўлган қизиқиш бежиз эмас. Чунки унда муслмон дунёсида, хусусан Мовароуннаҳрда VIII-XII асрларда яшаб ўтган олимлар, адиблар ва шoirлар ҳақида маълумотлар бор. Унда насафлик олимларга ҳам кенг ўрин берилган. «Насаф — Мовароуннаҳр шаҳарларидан. Аввалги номи — Нахшаб. Бу шаҳарда қарийб икки ой турдим ва у ернинг кўп олимларидан таълим олдим. Бу шаҳардан ўз фанининг кўп мутахассислари етишиб чиққан. Уларнинг саногига етиш қийин» — деб ёзади ас-Самъоний.

Қашқадарё воҳасида яшаган алломалар ҳақидаги яна бир нодир асар — Нажмиддин Насафийнинг кейинги йилларда бо-силлиб чиққан «Самарқандия» китобидир. Унда ҳам унлаб Насафий, Қосоний, Қасбавий, Багдавий ва Кешийларнинг номлари зикр этилган. Бу асарлар Қашқадарё адабий ва илмий муҳити тарихини ўрганишда ўзининг муҳим ролини ўйнайди.

«ҚАРШИ» СЎЗИНИНГ МАЪНОСИ НИМА? Насаф мўғуллар истилоси пайтида тамомила вайрон қилинган. Аммо серсув Қашқадарё сохилларидаги кўм-кўк водийлар, атрофдаги чексиз адир ва қўллар катта қўшинни жойлаштириш ҳамда Хуросон ва Эронга ўтадиган йўлни назорат қилиш жиҳатидан қўлайлиги сабабли мўғул ҳукмдорларига маъқул келади. Чингизхон 1220 йил ёзига Насафда ўтказди. Бу анъана кейинги йилларда ҳам давом эттирилди. Насаф мўғул ҳукмдорларининг қароргоҳига айланганлиги. Мўғул

хонлари Кебекхон (1318-1326) ва Қозонхон бу ерда ўзлари учун сарой қурдилар. Машҳур шарқшунос олим, «Туркистон мўғуллар босқини даврида» деб номланган 2 жилдли муфассал монография муаллифи шундай ёзади: «Шаҳардан 2 фарсах нарида қурилган саройдан шаҳарнинг ҳозирги номи пайдо бўлган. Чунки «Қарши» мўғул тилида «сарой» демакдир».

Захириддин Муҳаммад Бобур ўзининг «Бобурнома» асарида эса бу сўз ҳақида шундай фикр билдиради: «Яна Қарши вилоятидиркум, Насаф ва Нахшаб ҳам

дерлар. «Қарши» мўғулча оттур, гўрхонани мўғул тили билан «Қарши» дерлар. Фолибо бу от Чингизхон тасаллутидин сўнг бўлгандур». Яқин-яқингача илмий ва адабий жамоатчилик бу фикрларга асосланиб, «Қарши» сўзи мўғул тилидан олинган деб ҳисоблар эди. Аммо иккала муаллиф ҳам бу сўзнинг илдизлари, этимологияси билан қизиқмаган экан. Масалан, қадимги туркий ёзувлар асосида тузилган «Древнетюркский словарь» (1969) китобида «қарши» сўзининг қуйидаги маънолари кўрсатилган: 1. Қарши — хон саройи, кўшк.

2. Қарши — қарама-қарши, зид. 3. Қарши — икки бек орасидаги келишмовчилик, зиддият. Маҳмуд Қошғарийнинг «Девони луғатит-турк» (1071-1072 й.) асарида ҳам худди шу маънолар қайд этилган. Китобда келтирилган ушбу байт фикримизни янада ойдинлаштиради: Бу беклар эви оди қарши турур, Бу қарши ичиндаки қарши турур. Маъноси: бу беклар ўйининг оти қаршидур, аммо ичидигилар бир-бири билан қарама-қаршидир. Демак, ўз-ўзидан равшанки,

«қарши» сўзи аслида туркий тилдан олинган бўлиб, кейинчалик мўғул тилига ўтган. Чунки мўғул қабилалари ҳамма ҳам туркий халқлар билан ёнма-ён яшаган. Чингизхон ҳукмронлиги даврида ҳам Мўғулiston худудидаги аҳолининг тўртдан уч қисмини туркий халқлар ташкил этган. Тарихий манбалардан маълумки, кейинги асрларда ҳам «Қарши» номи билан бирга «Насаф» ва «Нахшаб» атамалари ҳам қўлланилган. Масалан, Е.Мейендорф ўзининг «Оренбургдан Бухорога саёҳат» (1820-1821) номи китобида шундай ёзади: «Қарши ёки Нахшаб — анчагина катта шаҳар. У асосий савдо йўлида жойлашган. Ҳирот ёки Кобулдан келаётган қаровонларнинг бир қисми Қаршида тўхтади, сўнгра Бухорога кирмай Самарқандга йўл олади. Шунингдек, Бухорининг жанубидан олиб келинадиган қўндоқ, тулки ва қоракўл терилари Қаршидаги оғирларда сақланиб, сўнгра пойтахтда сотилади. Қаршидан қўлаб қуруқ мева, пахта, йиғирилган ип, тамаки ва бироз шойи олиб кетилади».

Бехбудий миллий озодлик ҳаракатининг ҳам етакчиларидан эди. Миллий давлатчилик сари илк ҳаракат бўлган Туркистон Мухторияти 1918 йили шўролар томонидан ваҳшийларча бостирилади. Мухториятнинг ғоявий раҳбарларидан бири бўлган Бехбудий шўролар тузумининг асл моҳиятини тушуниб етди. 1919 йилнинг эрта баҳорида у бир неча сафдошлари билан Озарбойжон ва Туркияга бориш учун яширинча йўлга чиқади. Аммо Шаҳрисабзда Бухоро амрлиги одамлари томонидан қамокка олинади. Жадидларни ўз душмани деб билган Бухоро амири ҳукми билан Бехбудий ўша йилнинг 25 март куни Қарши шаҳрида қатл этилади. Бу маълум хабар бир йилдан кейингина Самарқанд ва Тошкентга етиб келади. Фитрат, Чўлпон, Садриддин Айний ва бошқа шoirлар Бехбудий ўлимига атаб марсиялар ёзадилар. Кейинги тадқиқотлар шуни кўрсатдики, миллий озодлик ҳаракатининг фаол иштирокчиси бўлган Бехбудийнинг йўқо-тилишида шўролар ҳукумати-нинг қўли бўлган. Айни пайтда, шўролар бу воқеадан амриликка қарши халқ норозилигини кучайтириш воситаси сифатида ҳам фойдаланганлар. Амрилик тузуми ағдарилган, 1922 йилдан бошлаб Қарши шаҳри Бехбудий номи билан аталган. Аммо зиё-лиларга, ҳур фикрга қарши қата-гонлар бошланган 1937 йили шўролар ҳукумати Бехбудий номи миллий озодлик курашчилари учун байроқ вазифини ўтатишдан қўчиб, шаҳарнинг эски номини қайта тиклаган.

Носир МУҲАММАД

ТАРИХИЙ МАНБАЛАР ГУВОҲЛИК БЕРАДИ



Суратда: Қарши шаҳридаги Одина масжиди. Муҳаммад АМИН (Ўза) олган сурат

«01» огоҳлантиради:

ЎТ БАЛОСИДАН САҚЛАНИНГ

Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармасига келиб тушаётган хабарлардан қаттиқ ташвишга тушасан киши. Мана бир мисол: республикамизда бир ҳафтада 140 дан зиёд ёнғин содир бўлган. Етказилган моддий зарар миқдори 1 миллион сўмдан кўп. Ана шу ёнғинларда 8 нафар фуқаро тан жароҳати олган бўлса, 6 нафари ҳаётдан бевақф қўз юмди. 21 февраль кун Фаргона вилояти Учкўприк тумани Қумбости қишлоғидаги хонадонда газ иситиш печининг носозлиги туфайли қўнғилсиз ҳодиса содир бўлди. Тонг саҳарда уй бекаси газ ҳидига унчалик аҳамият бермай гугуртни чақади... Ёнғин натижасида хонада бўлган уч нафар фуқаро турли даражадаги куйиш тан жароҳати олиб, ҳозирги вақтда улар касалхонада даволанмоқда. 23 февраль кун Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани,

Машҳур кўчасида жойлашган Ж.Приматовга қарашли хонадонда ҳам ёнғин содир бўлган. Қайта қурилаётган уйнинг иситиш таъмирланмаганлиги ва айрим жойлари очик бўлиб, хона совиб кетганлиги учун уй эгаси электр иситиш мосламасидан фойдаланишга қарор қилган. Аммо уни узоқ вақт давомида назоратсиз қолдириш натижасида аланга чиқиб, ёнғин содир бўлган. Натижада қайта қурилаётган уйнинг 40 кв.метр майдондаги шифт ва дераза ромлари ёниб, уй эгаси моддий зарар кўрган. Шу кун ярим тунда «01» хизматининг диспетчерлик пунктига Собир Раҳимов туманидаги «ООО Бойтёк-Тижорат» Ўзбек — Турк кўшма корхонасида ёнғин бўлаётганлиги ҳақида хабар келади. Дарҳол етиб борган ўт ўчирувчилар ишлаб чиқариш цехининг чикиндилари сақланаётган оғирхонада 30 кв. метр майдонда чиқаётган

алангага дуч келишади. Тезкор қўрилган чоралар туфайли ёнғин бартараф этилди. Фалокат сабабини аниқлаш мақсадида мутахассислар олиб борган суриштирув ишларидан маълум бўлдики, ишчиларнинг чекиш мумкин бўлмаган жойларда чеканлиги оқибатида аланга чиққан. Сўнгги икки ойда 2348 та ёнғин содир бўлиб, 161 нафар фуқаро куйган, 44 нафари эса ҳалок бўлган. Ёнғин келтирган моддий зарар 278 миллион сўмни ташкил этган. Ана шундай нохуш ҳодисалар бўлмаслиги учун сиз, азиз ўртоқларимизнинг ёнғин хавфсизлиги қондаларига қатъий амал қилишингизни сўраймиз. Шунда турли нохушликлардан ўзингизни, атрофдагиларни асраган бўласиз. Даврон ҚАМБАРОВ, Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЁХББ муҳандиси, капитан

Интер-спорт

«МАНЧЕСТЕР ЮНАЙТЕД» БОЙ БЕРГАН МИЛЛИОНЛАР



«Mansion» компанияси ўзининг Гибралтардаги йирик казиносига эга бўлиб, айни пайтда интернет йўналишига маблағ ажратар эди. Ана шу компания яқинда «Манчестер Юнайтед» футбол клубига ҳрмийлик қилиш тўғрисидаги шартномага бекор қилди. Шартномага кўра, футбол клубига ўтказиладиган маблағ 70 миллион фунт стерлингни (122,5 миллион долларга яқин) ташкил этарди. Компания вақиллари футбол клуби раҳбариятининг бошқа йирик ташкилотлар билан молиявий манфаатдорлик масаласида музокара олиб бораётганини сезиб қолишгандан кейин ана шундай қарорга қелишди. «Манчестер» клубининг яширин ҳаракати бизни ҳайратга солди, — дейди «Mansion» компанияси раҳбарларидан бири Давид Кинсман. — Балки, клуб шуни хоҳлар. Лекин бу бизни қониктирмайди».

КАСПАРОВ РЎЙХАТГА КИРМАЙ ҚОЛДИ

Халқаро шохмат федерациясининг янги рейтинг рўйхати эълон қилинди ва уни биринчи марта болгариялик Веселин Топалов бошқармоқда. ЭЛО ҳисоб тизими бўйича Веселинда 2804 та очко бўлса, хиндистонлик Вишванатан Ананд 2803 очко билан иккинчи ўринни эгаллаб турибди. Россиялик Гарри Каспаров ҳаммадан кўп очко (2812) тўплагандан кейинги қарамай, рейтинг рўйхатида кирмай қолди. Чунки, у йил мобайнида бирорта ҳам расмий ўрашувда қатнашмаган экан. Эслатамиз, бир йил аввал Каспаров Линаресда супертурнир голиби бўлган, катта спорт билан хайрлашганини маълум қилган эди. Ваҳоланки, у шохмат тарихида ҳаммадан кўп жаҳон рейтингини бошқарган. Тарихда биринчи марта ўз рейтингини йўқотган Каспаров ўрнини армянистонлик Левон Ароян эгаллаб, 2756 очко билан учинчи бўлиб турибди.

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ ВА «KIMOSHI SAVDOLARI AGENTLIGI» ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

2006 йил 11,18,25 май ва 1,8,15,22,29 июнь кунлари соат 11.00 да республика Кўчмас мулк биржаси биносида ўтказиладиган очик аукцион савдосига, Ўзбекистон Республикаси «Асака» давлат акциядорлик-тижорат банки ишлар бошқармаси бош офис балансидаги қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилади:

- 1. «Мидибус» М-24,9 русумли, давлат рақами 10 АН 500. Бошланғич баҳоси — 20 000 000 сўм.
2. «Дамас» русумли, давлат рақами 10 АЛ 607. Бошланғич баҳоси — 4000 000 сўм.
Аукцион савдолари бўйича харидорлардан аризаларни қабул қилиш ва расмийлаштириш савдо бошланганидан 1 соат олдин тўхташилади.
Аукцион савдосида қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан закалат пули тўлаши шарт.
Закалат пули «Kimoshdi savdolari agentligi»нинг Ўзбекистон Республикаси АТИБ «Ипотекабанк»нинг Тошкент шаҳар, С.Раҳимов бўлимидаги ҳисоб рақамига: 2020800004265383002, КОД-00901, СТИР 204563716 ўтказилади.
Қўшимча маълумотлар учун республика Кўчмас мулк биржаси ва «Kimoshdi savdolari agentligi»га мурожаат қилишингиз мумкин.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, С.Раҳимов тумани, Қора қамиш 2/4 ҳақаси, М.Ўрозбоев кўчаси, 1«А»-уй, республика Кўчмас мулк биржаси биноси, 2-қavat, 207-хона. Маълумот учун телефонлар: 399-80-23, 136-15-28. Факс: 136-06-17.

ЎЗБЕКISTON ТАРИХИ ДАВЛАТ МУЗЕЙИ

мактаб, лицей, коллеж, олий ўқув юртлари, ташкилотлар ва муассасалар қошида музей ва кўргазмалар ташкил этишда ёрдам беради. Сизга етук музейшунослар, тарих, археология, нумизматика, этнография соҳалари бўйича мутахассислар гуруҳи хизмат кўрсатади. Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 3-уй. Мўлжал: «Шарқ» НМАК. Тел.: 139-10-83, 139-17-79.

АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРAT «АЛОҚАБАНК»НИНГ МУХИМ ФАКТИ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ. ТАРТИБ РАҚАМИ №7. АКЦИЯДОРЛАР РЕЕСТРИНИНГ ЁПИЛИШ САНАСИ 2006 ЙИЛ 5 АПРЕЛЬ.

(Газетанинг навбатдаги сони 11 апрель, сешанба куни чиқади.)

G'ALLABANK advertisement including logo, company name, address, and a detailed table of auction lots with columns for lot type, deadline, starting price, and description.

Right sidebar containing various news snippets and advertisements, including 'BOSH MUHARRIR: Safar OSTONOV', 'Tahrir Hay'ati' list, 'MUASSIS' section, and 'MANZILIMIZ' address information.